

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон  
қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт,  
филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик  
диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия  
этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2022-5/4  
Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2022**

Выделение фразеологизма - доминанты ряда необходимо, так как идентификатор ряда, слово или словосочетание, лишь передает смысловой инвариант фразео-синонимического ряда.

#### **СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:**

1. Кунин А. В. Курс фразеологии современного английского языка : учебник для ин-тов и ф-тов иностр. яз. / А. В. Кунин. - 2-е изд., перераб. - М. : Высшая школа ; Дубна : Феникс, 1996. - 381 с.
2. Галиева А. Т. Синонимия глагольных фразеологических единиц, выражающих отношения между людьми, в немецком и татарском языках : дис. ... канд. филол. наук / А. Т. Галиева. - Казань, 2004. - 220 с.
3. Каменецкайт Н. Л. Характер синонимии глагольных фразеологических единиц современного английского языка : дис. ... канд. филол. наук / Н. Л. Каменецкайт. - М., 1960. - 344 с.
4. Зимина Л. П. Антонимия фразеологических единиц в современном немецком языке : дис. ... канд. филол. наук / Л. П. Зимина. - Л., 1974. - 180 с.

**УЎК 81-13**

### **АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ “ОБИД КЕТМОН” ҚИССАСИ - КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШНИ ЎЗГАЧА ТАЛҚИН ҚИЛГАН АСАР**

**У.С. Очилов, ўқитувчи, Бухоро Давлат Университети, Бухоро**

**Аннотация.** Мақолада Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон” қиссасидаги давр руҳи, ундаги воқеалар ва хўжалик масалалари ўрганилган. “Обид кетмон” қиссаси социалистик реализм адабий методига мослиги ва қайси жиҳатдан ундан фарқ қилиши таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** социалистик реализм, адабий метод, коллективлаштириши даври, колхоз мавзуси.

**Аннотация.** В статье рассматривается дух того периода в рассказе Абдуллы Кадири "Обид кетмон", события в нем и экономические вопросы. Рассказ "Обидная мотыга" анализируется с точки зрения соответствия социалистического реализма литературному методу и того, чем он от него отличается.

**Ключевые слова:** социалистический реализм, литературный метод, эпоха сговора, тема колхоза.

**Abstract.** The article examines the spirit of the period in the story of Abdulla Qadiri "Obid ketmon", the events in it and economic issues. The story of "Obid hoe" is analyzed according to the correspondence of socialist realism to the literary method and in what ways it differs from it.

**Keywords:** socialist realism, literary method, the era of collusion, the theme of collective farm.

**Кириш.** Абдулла Қодирийнинг уч йирик асарини натурализм хусусиятларини тадқиқ этиш нуқтаи назаридан таҳлилга тортар эканмиз, фақатгина “Ўткан кунлар” романида натуралистик жиҳатлар мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. Шундай бўлса-да “Обид кетмон” қиссаси ҳақида ғам қисқача тўхталиб ўтишга қарор қилдик. Зеро, бирон асарда ўёки бу хусусиятларнинг йўқлигини қайд этиш учун ҳам уни ўрганиш, таҳлил килиш лозим. Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон» қиссаси 1934 йилда ёзилган бўлиб, коллективлаштиришни ўзгача талқин қилган бу асар ҳам ёзувчининг нодир ижодий маҳоратидан дарак беради. Оддий ҳалқ вакили бўлган Обид кетмоннинг одамийлиги, меҳнаткашлиги, камтарлиги, миришкорлиги, ернинг тилини яхши билиши, қишлоқ хўжалиги соҳасида билафонлиги тасвирланган бу қиссада Абдулла Қодирий давр руҳини, образлар фаолиятини ҳаққонийлик билан акс эттиришга катта эътибор берган, якка хўжаликни қоралаб, жамоа хўжалигини ортиқча мақтамаган.

**Ўрганилганлик даражаси.** Тик тепа қишлоғида биринчи жамоа хўжалиги тузилаётган пайтда Обид кетмон ўз меҳнати билан ўз ҳаётини, турмушини бироз тиклаб олган ўрта ҳол дехқон даражасида эди. У колхозга аъзо бўлиб кирганидан кейин дехқончиликда орттирган тажрибаси билан нафакат жамоа хўжалигининг фаолларидан бирига, балки колхознинг раҳбарларидан бирига айланади. Ёзувчи Обид кетмонни тасвирлашда ундаги меҳнатсеварлик, дехқончиликнинг билимдони эканлигини, жамоа ишида жонкуярлигини кўрсатади ва шунинг учун уни колхоз раиси даражасига кўттарганларини баён этади ҳамда буларнинг ҳаммасини ўша давр учун характерли воқеалар сифатида беришга интилади. Бизнинг давримизда “Обид

кетмон”нинг охирги нашри 2017 йилда амалга оширилиб, таниқли адабиётшунос Умарали Норматов асарни чуқур ва батафсил таҳлил қилиб, сўзбоши ёзган. Ушбу сўзбоши қўйидагича бошланади: “Абдулла Қодирийнинг эътиборга сазовор деярли барча асарлари қатори «Обид кетмон» қиссаси ҳам ўз даврида ҳақиқий баҳосини ололмади. Вульгар социологизм оғуси билан заҳарланган, фақат «синфий ёндашув»нигина мезон қилиб олган, аслида, чинакам илмий синфий ёндашишдан узоқ, ўта ўжар, жоҳил танқид бу қисса моҳиятини бузиб, уни «иidelогик бузукликлар ва хатолар»га тўла, «сиёсий тутуриқсиз» деб эълон килди”. Абдулла Қодирийнинг замондош ҳамюртлари орасида уни “майда буржуазия ёзувчиси” деб ҳисоблаб, унинг қатағон қилинишига ҳисса қўшганлардан Сотти Ҳусайн “Шарқ ҳақиқати” газетасининг 1929 йил 123-сонида ёзди: “Абдулла Қодирий пролетариат инқилобига нисбатан узоқроқ кишидир. Чунки ҳақиқатан А. Қодирий майда буржуазия ёзувчисидир. Унинг синфий асосини белгилаш таҳлил вақтида катта аҳамиятга эгадир.” Абдулла Қодирий ижодига бундай муносабатни турли сабаблар билан изоҳлаш мумкин: биринчидан, ёзувчининг улкан иқтидорини, унинг муваффақиятларини кўролмаслик, иккинчидан, Абдулло Қодирий ижод соҳасида Ўзбекистон шароитида ўз давридан анча илгарилаб кетганлиги сабабли, унинг асарлари моҳиятини етарлича тушуна олмаслик.

Хозирги пайтда адабиётшунослар Қодирий ижодига, айниқса, унинг “Ўткан кунлар” ва “Мехробдан чаён” романларига объектив баҳо бериб, уларни нодир санъат дурдоналари сафатида эътироф этмоқдалар.

Умарали Норматовнинг таъкидлашича, “Аммо «Обид кетмон» қиссаси ҳамон муносаби баҳосини олмаган эди. Тугри, кейинги ишларда «Обид кетмон» ҳақида аввалги бешафқат танқидлар ҳамласи бирмунча юмшаган, муаллиф шаънига илгаригидай ғоявий-сиёсий ёрликлар такиши, дағдагалар килиш йук,. Айни пайтда бу асар қиммати, адабиётимиз тарихидаги ҳақиқий ўрнини белгилашга астойдил уриниш ҳам бўлмади. Қисса устида сўз боргандা жуда умумий тарзда «Обид кетмон» «ўзбек адабиётида колхоз мавзусини ишлашнинг муҳим ютуғи», «ёзувчининг ғоявий ва ижтимоий ўсишида олға қўйган кадами» бўлгани, унда муаллиф «қишлоқнинг социализм йўлидан боришининг афзалликларини кўрсатишга бел боғлаган»и, «колхозда дехқонларнинг тўқ ва маданий хаёт кўраётганини кўрсатишга алоҳида эътибор берган»и айтилади. Шу тарздаги мактovлардан сўнг асарнинг «энг жиддий камчилиги» сифатида «колхоз курилиши атрофида борғон ўткир синфий курашнинг етарли акс этмаган»и хусусидаги эътиrozлар юмшоқроқ шаклда тақрорланади.” Шунингдек, Умарали Норматов «Обид кетмон»нинг бадиияти хусусида ҳам ҳамон паст-баланд гаплар юришини, гоҳо Қодирий ижоди муҳлислари орасида ҳам бу қисса бадиий жиҳатдан адибнинг тарихий романлари даражасида етук эмас, деган фикрлар юришини ёзди. Аммо бадиийликнинг бош мезони - ҳаёт ҳақиқатини ўзига хос тарзда кашф этиш, ижодий оригиналлик, маънодор, ёрқин, жонли характерлар яратишдан иборат деб қараладиган бўлса, «Обид кетмон» шу юксак талабларга жавоб бера оладиган асар. Аввало, муаллиф киссада Обид кетмон, Берди татар, Хатиб домла, мулла Мухсин каби баркамол характерлар яратадики, улар ўзларининг жонлилиги ва ҳаётйлиги жиҳатдан адив романларидағи персонажлардан асло қолишмайди. Иккинчидан, ёзувчи инсон ҳаётига ёндашишда ўша даврда одат тусига кирган тор синфийлик доирасидан анча четга чиқиб, умуминсоний қадриятларни асрash, ардоқлашга жазм этади.

**Таҳлил ва натижалар.** “Обид кетмон”да содир бўладиган воқеалар Абдулла Қодирий колхозлашириш даврида ўртаҳол дехқон Обид кетмон тутган ўзига хос йўл 20-йилларда якка дехқон хўжалигининг тинч йўл билан социализмга ўсиб бориши мумкинлиги ҳақидаги қарашларга хайриҳох бўлганини кўрсатади. Бу йўл онгли, меҳнаткаш дехқон руҳига мос тушадиган инсонпарвар мағкура бўлиб, ўша йилларда, зўравонлик билан колективлашириш авж олган даврда, ҳукмрон мағкурага зид ғоялар билан чиқиш маллифнинг улкан жасорати эди. “Обид кетмон”нинг яна бир ўзига хослиги шундаки, коллективлашириш ҳақида ўша йилларда ёзилган асарлардан фарқли равишда бу ерда синфий ракиблар орасидаги кураш ва тўқнашувлар эмас, хўжалик, ернинг тилини билиш, ҳосилдорликни ошириш муаммолари талқини биринчи ўринда туради. Қиссанинг иккинчи қисми асосан Обид бошчилик қилган

Четан колхозининг бир йиллик меҳнат фаолияти, хўжалик ишлари тафсилотидан иборат. Қодирий ўзининг “Ўткан кунлар”, “Мехробдан чаён” романларида кўпроқ севги кўйчиси, мафкуравий, ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг бадиий тадқиқотчиси сифатида танилган бўлса, бу ерда иқтисод, хўжалик масалаларининг билимдони, тарғиботчиси сифатида кўринади.

Абдулла Қодирийнинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ходисаларга теран қарashi, ўз ёндашувига эга эканлиги “Обид Кетмон” қиссасида яққол кўзга ташланади. Ўша пайтларда кўпчилик ўртаҳол дехқонларга эркин фаолият юритиш имкони берилмагани, арзимаган баҳона бидан қулоқ қилингандиги тарих саҳифаларидан маълум. Аммо Абдулла Қодирий ўрта хол дехқонга хайриҳоҳлик билан қарагани, якка хўжалик тарзида ҳам иш юритиш мумкинлигини ёқлагани асарда яққол сезилиб турди. Миришкор Обид қайнотаси томонидан инъом этилган ерда дехқончилик қилиб катта муваффакият қозонади ва обрўга эришади. Абдулла Қодирийнинг ўша даврдаги шўролар мафкуриятига мос келмайдиган яна бир жиҳати - ижобий бош қаҳрамоннинг намозхонлиги, одамларнинг диний туйғуларига хурмати, даҳрийликка чакиришни ёқтирмаслиги эди. Буни Обид кетмонни раисликка сайлаш жараёнидан олинган қўйидаги эпизодда кузатиш мумкин:

*“Аҳмад тога сўз сўрайди. Унга сўз берилади.*

- *Обид кетмоннинг раис бўлишига каршилигим йўқ, - дейди Аҳмад тога, - мақсадим шундаки, колхозга раис бўладиган киши намозхон бўлса ҳам майлими, бунга ҳукуматларимиз нима дер эканлар. Аҳмад тоганинг сўзи халқда кулги беради. Баъзилар бу тўғрида ўйлаб қоладилар. Рафиков жавоб учун раисдан сўз олади:*

- *Намоз ўқуш, ўртоқлар, кишининг хусусий иши, бирор кўпчиликнинг ишига ва ҳукуматнинг сиёсатига зарба бериш учун намоз ўқир экан, албатта, ҳукумат бунга ўйл кўёлмайди. Аммо ҳар иккى томонга заарсиз равишда бирор намоз ўқир экан, бунга ҳукумат ҳеч нарса демайди. Меним фикримча, Обид кетмоннинг намози шу кейинги ўйлда бўлса керак («тугри», деган товушлар), шунинг учун Обид кетмоннинг ўқиган намози унинг колхозга раис бўлишига моне бўлмайди. ...”*

**Муҳокама.** Ёзувчининг машхур романлари каби “Обид кетмон” қиссаси ҳам шундай бир нодир иқтидор услуг билин ёзилганки, уларни ўқиган китобхон, агар у адабиётшуносликдан боҳабар бўлса, беихтиёр фикр ва хулосаларга келади. Юқоридаги парчада ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин. Ушбу парчадан асарнинг қўйидаги хусусиятларини англаш мумкин:

- Қиссада социалистик реализм асарлари учун хос бўлган ишчи-дехқон бирлиги тасвирланади, аниқроғи ишчи Рафиқовнинг колхоз тузилишини кузатиш, таъминлаш, керак бўлганда ёрдам кўрсатиш учун Тиктепа қишлоғига юборилиши ишчи-дехқон иттифоқида бошловчи ролда ишчи, дехқон эса унга эргашувчи тарзида берилган. Бу социализм қурилиши тамойилларидан бири сифатида тан олинган эди.

- Масалаларнинг умумий йиғилишда кўриб чиқилиши, овозга қўйилиши ва камчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши демократик централизм тамойилларидан бири бўлиб, бу ҳам социалистик реализм асарлари учун одатий мавзу эди.

- Социалистик давлат иерархиясида қуий ташкилотларнинг юқоридаги ташкилотларга сўзсиз бўйсуниши. Бу демократик марказлаштириш (демократическая централизация) тамойили бўлиб, буни ҳам кўпгина социалистик реализм услубида ёзилган асарларда кузатиш мумкин.

- Аммо раҳбарнинг очиқасига намозхон бўлиши мумкинлиги социалистик реализм асарлари учун ёт эди. Бунда ёзувчи ўз фикрларини персонаж Рафиқов тилидан баён этганлиги сезилиб турибди, яъни у реал ҳаётда ҳам, агар намозхон зааркуннанда бўлмаса, бирорга, ёки янги жамият қурилишига зиён етказмаса, намозини ўқиб юраверсин демокчики, бу диндорларга ҳозирги кунда қўйилаётган талабларга мос келади.

- адид бу асарида, ўша пайтдаги социалистик реализм асарлариги хос бўлган даҳрийликни тарғиб этмаяпти, аксинча, диндорларнинг ҳам жамиятда ўз ўрни бўлиши кераклигини даъват этајтичи, бу ҳам ҳозирги кун талабларига жавоб беради.

Хулоса. Юқорида баён этилганлар Абдулла Қодирийнинг ўз даврида бўлиб ўтаётган воқеаларни теран мушоҳада қилиб, жабрдийда халқининг ахволини яхшилаш, виждан эркинлигини ҳаётга тадбиқ этиш борасида фикр юритганини кўрсатади.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Қодирий, Абдулла. Обид кетмон (колхоз ҳаётидан қисса). -Toshkent: Ўздавдашр, 1959. – 144 б.
2. Қодирий, Абдулла. Обид кетмон: қисса. Абдулла Қодирий. - Т.: Info Capital Group, 2017. -536 б.
3. Қодирий, Абдулла. Танланган асарлар – Тошкент: Шарқ, 2018.–880 б.
4. Ўзбекистон миллий кутубхонаси. Мангуликка даҳлдор адаб. –Т.: 2019. –6.100.
5. Норматов У. Қодирийнинг сўнгти илтижоси (Адаб ҳаётининг ўқилмаган саҳифалари) - Тошкент: Мовароуннахр, 2014. - 64 б.

**УЎК 808.3**

**ИБОРАЛАРДА КЎП МАЊНОЛИЛИК ШАКЛЛАРИ**

*С.Ж. Рахимова, ўқитувчи, ТАТУ Урганч филиали академик лицейи, Урганч*

**Аннотация.** мақолада фразеологик полисемиянинг метафора асосида шаклланишини таҳлил қилиш асосида муайян хулосаларга келинган. Мавзунинг тадқиқ этилиши маснифланган ва муайян даражада муносабат билдирилган. Фразеологик бирликларнинг контекстда ифодалаётган мањнолари, ибораларнинг кўп мањнолилиги ва мањнодошлигини фарқлаш, изоҳлашга доир мисоллар асосида айрим таклиф-мулоҳазалар баён қилинган.

**Калим сўзлар:** метафора, полисемия, фразема, ибораларда кўп мањнолилик, мањнодошилик, семантика, стилистика, лисоний имконият

**Аннотация.** статья основана на лингвистическом, стилистическом анализе формирование фразеологической полисемии на метафорической основе конкретными выводами. Изучение предмета было засекречено и в определенной степени среагировало. На основе примеров из интерпретации были описаны некоторые пропозиции, дифференцирующие значения фразеологизмов в контексте, множественность и многозначность выражений.

**Ключевые слова:** метафора, полисемия, фразеология, множественность во фразах, семантика, стилистика, лингвистическая возможность

**Abstract.** the article is based on a linguistic and stylistic analysis of phraseological polysemy in a literary text with specific conclusions. The study of the subject was classified and reacted to a certain extent. Based on the examples from the interpretation, some propositions were described that differentiate the meanings of phraseological units in the context, as well as the multiplicity and polysemy of expressions.

**Keywords:** metaphorical basis, polysemy, phraseology, plurality in phrases, semantics, stylistics, linguistic possibility.

**Кириш.** Ҳар қандай халқнинг фразеологияси ушбу тилда гаплашадиган миллат тарихи, маданияти, урф-одатлари ва адабиёти билан узвий боғлиқдир ва шунга мос равишда адабий-бадиий асарларда акс этади. Инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги фразеологик бирликлар ўзига хос хусусиятлар билан ажralиб туради, чунки рус фразеологик бирликлари кўпинча бир чўққили фразеологик бирикмалар бўлиб, уларда эскирган ёки кам ишлатилган сўзлар сақланиб қолади: *быть баклущи, точить лясы*. Инглиз тилидаги фразеологик бирликлар одатда кўпроқ мослашувчан, маъно жиҳатидан шаффофроқдир ва шунинг учун кўпинча таркибий қисмларни алмаштириш ёки кўшимча киритиш мумкин. Масалан, *Die Hard* («Крепкий орешек») бешинчи сериясида *Good Day to Die Hard* гача кенгайтирилди.

**Ўрганилганлик даражаси.** Тилнинг ифода воситалари орасида метафоралар алоҳида ўрин эгаллади. Жумладан, Н.Д.Арутюнова таъкидлаганидек, “лексика метафора асосида ривожланади”[1:33]. Метафора тилнинг, аниқроғи, инсониятнинг муҳим мулоқот воситаларидан биридир. У тилда фундаментал қийматга эга бўлиб, нисбатан алоқа муносабатлари яқин бўлган кишилар ўртасида қўлланади. Ўзбек тилшунослигида ўтган асрнинг иккинчи ярмида сўз мањносига, маъно кўчиш усулларига эътибор қилиш бошланди. Жумладан, тилшунос Т.Аликулов шундай ёзади: “Полисемия тилшуносликнинг актуал

|   |     |
|---|-----|
| <b>Rasulova M.A.</b> Sociolinguistic aspect of the normativity of the modern English language .....   | 127 |
| <b>Ro'ziyeva J.E.</b> Nemis tilida modallikni ifodalovchi leksik vositalar .....  | 129 |
| <b>Shirova M., Rakhimova Yu.</b> The problem of bilingualism in Germany .....   | 131 |
| <b>To'yboyeva Sh.R.</b> O'zbek va fransuz sistem tilshunosligida sodda gap qurilishi talqini .....  | 134 |
| <b>Umarova M.U.</b> Phraseology of the English language .....   | 137 |
| <b>Yusupova Z.K.</b> Methodology for monitoring educational activities in distance learning of a foreign language .....   | 140 |
| <b>Zayniyeva H.Sh., Qadirova R.J.</b> Badiiy tarjimalar pragmatikasining òziga xos xususiyatlari talqini .....  | 143 |
| <b>Камалов У.А.</b> Лексические средства выражения оптативной модальности в русском и узбекском языках .....  | 145 |
| <b>Каримова Ж.Ш.</b> Фразео - синонимический ряд и проблема доминанты .....   | 148 |
| <b>Очилов У.С.</b> Абдулла Қодирийнинг “Обид Кетмон” қиссаси - коллективлаштиришни ўзгача талқин килган асар .....  | 151 |
| <b>Рахимова С.Ж.</b> Ибораларда кўп маънолилик шакллари .....   | 154 |
| <b>Садуллаев Ф.Б.</b> Равишнинг бир даража кўрсаткичи хусусида .....  | 157 |
| <b>Турдалиева Д.С.</b> Паремиялар нутқий ҳаракатлар сифатида .....  | 159 |
| <b>Усмонова З.Х.</b> Стивен Кингнинг “Ўлик минтақа”(“Dead zone”) асарида «the laughing tiger» образ талқини .....   | 161 |
| <b>Хусанова М.А.</b> Поэтик асарда риторик сўроқ гапларнинг экспрессив имконияти .....  | 165 |
| <b>Чориева М.М.</b> Чет тилни ўрганиш жараёнида маданиятларо алокаларнинг ўрни .....  | 167 |
| <b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>   |     |
| <b>Kasimova M.B.</b> Nofilologik oliy o'quv yurti rus tili darslari jarayoninda talabalarning faollik darajasini oshirishni takomillashtirish .....                         | 170 |
| <b>Nurutdinova M.S.</b> Oliy o`quv muassasalari talabalariga o'zbek tili sohada qo'llanilishi fanining ahamiyati .....  | 172 |
| <b>Burxanova G.M.</b> Milliy guruhlarda rus tilini o'qitishda talabalarning nutq qoliyatlarni takomillashrish .....   | 175 |
| <b>Alibekova R.X.</b> Rus tili darslarida ta'lim texnologiyalaridan foydalananishing shakllanishini takomillashtirish .....   | 177 |
| <b>Egammazarova Z., Ne'matova N.M.</b> Animatsion yondashuv asosida talabalarga rus tili o'qitishning metodikasi va texnologiyasi .....                                     | 180 |
| <b>Mamedova N.Z.</b> Nofilologik oliy o`quv yurtlarida rus tilini mutaxassislik sohalari bo'yicha o'qitishning muamolari .....  | 182 |
| <b>Rizaeva K.</b> Modern technology in the teaching foreign language .....  | 185 |
| <b>Nasretdinova F.N.</b> Innovative technologies of professional training .....   | 187 |
| <b>Djumaniyazova E.Q.</b> The effectiveness of innovative educational technologies in the study of foreign languages .....  | 190 |
| <b>Umarova F.N.</b> Features of the formation and development of communicative competence in the study of a foreign language among students of a technical university ..... | 193 |
| <b>Berdiyorova M.X., Mavlonova M.U.</b> Developing student's creative activity based on an integrative approach .....   | 195 |
| <b>Алленова И.В., Ташева У.Т., Цигулева М.В., Данилина Ю.С.</b> Возможности применения технологии веб-квеста в преподавании русского языка .....                            | 198 |
| <b>Базарова Н.Ш.</b> Методы применения инновационных образовательных технологий на уроках русского языка .....  | 200 |